

11-11-2019

Forgiveness: Philosophical-Irfonal Analysis

Zamirakhon Rukhitdinovna Isakova

candidate of Philosophy, Associate Professor Namangan State University

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Isakova, Zamirakhon Rukhitdinovna (2019) "Forgiveness: Philosophical-Irfonal Analysis," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 11 , Article 16.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss11/16>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

Forgiveness: Philosophical-Irfonal Analysis

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



2019 йил 11 сон

КЕЧИРИМЛИЛИК: ФАЛСАФИЙ-ИРФОНИЙ ТАҲЛИЛ

Исақова Замирахон Рухитдиновна
фалсафа фанлари номзоди, доцент
Наманган давлат университети

Аннотация: Мақолада гўзал хулқлардан бири кечиримлиликнинг моҳияти Қуръон ва ҳадис асосида таҳлил қилиниб, кечиримлилик фазилати, кечиримлиликнинг инсон қалби учун фойдали жиҳатлари ёритилган. Кечиримлиликнинг инсон саломатлиги учун аҳамияти кўрсатилиб, кечиримли бўлишга олиб борадиган йўллар очиб берилган.

Калит сўзлар: гўзал хулқ, фазилат, кечиримлилик, Қуръон, ҳадис, раҳм-шафқат, олийжаноблик, саховатпешалик, саломатлик, хотиржамлик.

КЕЧИРИМЛИЛИК: ФАЛСАФИЙ-ИРФОНИЙ ТАҲЛИЛ

Исақова Замирахон Рухитдиновна
кандидат философских наук, доцент
Наманганский государственный университет

Аннотация: В статье рассмотрена одно из самых прекрасных поведений прощения, проанализирована сущность прощения в сфере Корана и хадисов и показана важность прощения для здоровья человека и раскрыты пути прощения.

Ключевые слова: Прекрасное поведение, добродетель, прощение, Коран, хадис, милосердие, благородность, щедрость, здоровье, душевное спокойствие.

КЕЧИРИМЛИЛИК:ФАЛСАФИЙ-ИРФОНИЙ ТАҲЛИЛ

Isakova Zamirakhon Rukhitdinovna
candidate of Philosophy, Associate Professor
Namangan State University

Abstract: The article discusses one of the most beautiful behaviors of forgiveness, analyzes the essence of forgiveness in the realm of the Qur'an and Hadith, and shows the importance of forgiveness for human health and reveals the ways of forgiveness.

Keywords: excellent behavior, virtue, forgiveness, Quran, hadith, mercy, nobleness, generosity, health, peace.

XXI асрда умргузаронлик қилаётган инсон тафаккури қанчалик юксалмасин, энг сўнгги илғор техника ва технологияга эга бўлмасин, ижтимоий жараёнларда, оддий инсоний муносабатларда, ахлоқ-одоб доирасида оқсоқлик “ялт” этиб кўзга чалинмоқда. Бир оғиз сўз инсон ҳаёти чилпарчин бўлиши, қариндош-уруғчилик ёки дўстликка барҳам бериши, баҳс-мунозара авж олиши, оилавий низолар кучайиши, тушунмовчиликларга кенг йўл очилиши... учун замин бўлмоқда.

Инсон билим, тажриба, малакадан фойдаланган ҳолда маърифатга, шу билан бирга, зийраклик, латофат, гўзал ахлоқ каби фазилатларга эришади. Хулқ (арабча феъл-атвор, табиат, фитрат, кайфият, сийрат – З.И.) инсон маънавий-ахлоқий

дунёсининг ўзига хос кўзгусидир. Хулқ нафсга ўрнашишига кўра, “холқий” яъни, туғма ва “касбий” яъни, кейинчалик ўзлаштириб олинган хулққа ажратилади.

Гўзал хулқ инсоннинг маънавий қиёфаси, муомала маданияти ва руҳияти, амалий фаолиятида намоён бўладиган олийжаноб фазилатдир. Гўзал хулқ – барча ёмон сўз ва ишлардан тийилишда, одамлар билан муомала қилишда, кечиримли бўлишда, зиммадаги вазифани бажаришда сусткашлик қилмасликда, кўп кулишдан сақланишда, оз таом билан кифояланишда, одамларга ёмон ният билан қарамасликда, ширинсуханликда, рост сўзлашда, инсонларга ҳам, ҳайвонларга ҳам раҳм-шафқатли бўлишда, ҳасад, адоват, бахиллик қилмасликда, ғазабланмасликда, кўп сўзлашдан тийилишда, эрта ётиб эрта туришда, мард ва шижоатли бўлишда, ўзининг зарарига бўлса ҳам ҳақ сўзни айтишда, нодон ва жоҳил кишиларнинг азиятларига сабрли бўлишда, яхши кўрган нарсасини бошқаларда ҳам бўлишини яхши кўришда, такаллуфни кўпайтиришда, насиҳатни қабул қилишда, ораста юришда, ортиқча мақтовларга рози бўлмасликда намоён бўлади.

Қайд этилган гўзал хулқлар ичида кечиримлилик инсон ҳаётида жиддий аҳамиятга эгадир. Инсон ибтидода хато қилган. Кечиримлилик фазилатининг нечоғли буюклигини Одам (а.с.) тавбасининг қабул қилинганидан билса бўлади. Аллоҳ инсонларнинг бир-бирларининг айб ва нуқсонлари, хато-камчиликларини кечиришга буюрган: “... Бас, афв этсинлар, ўтиб юборсинлар. Аллоҳ сизларни мағфират қилишини хуш кўрмайсизларми?! Аллоҳ ўта мағфиратли, ўта раҳмли зотдир” [1.421.], “(У тақводор зотлар)... одамларнинг (хато-камчиликларини) кечирадиган кишилардир. Аллоҳ бундай яхшилик қилувчиларни севади” [2.72.]. Демак, Аллоҳнинг кечиримлилик сифати бандога нисбатан раҳм-шафқат намунасидирки, кечиримли бўлиш иймондандир. Муҳаммад (с.а.в.)нинг кечиримли бўлганликлари, у зот (с.а.в.)нинг бошларига оғир кунларни солган мушриклар раҳнамоси Абу Суфённи ҳам, амакилари Ҳамзани ўлдирган Ваҳшни ҳам авф этганлари кечиримлиликнинг олий намунасидир.

Муҳаммад (с.а.в.) дедилар: “Сенга зулм қилганни сен кечир, сенга раво кўрмаганга сен бер, сендан узилган (ёр-биродар, қариндош-уруғ)га сен боғлан. Яратган учун яратилганни яхши кўр” [3.113.]. Бу Муҳаммад (с.а.в.)нинг гўзал ахлоқларидир.

Кечиримли киши хато-камчилик идизини синчковлик билан англаб, уни виждон тарозисига солади, инсоф ва адолат ўлчовига амал қилади ва тўғри хулоса чиқаради, пасткаш билан тенг бўлмайди, золимнинг зулмига зулм билан, душманга душманлик билан, тажовузкорга тажовуз билан, жоҳилга жаҳолат билан, нодонга нодонлик билан, ёмонга ёмонлик билан, дарғазабга ғазаб билан, ҳасадгўйга ҳасад билан, адоватчига ўч олиш билан, кек сақловчига кек сақлаш билан жавоб бермай, олийжаноблик билан ўзини юқори тутди. Инсон унга озор берган кимсадан қасос олиш имкониятига эга бўла туриб, уни кечира олиши юксак инсоний, фазилат, олийхимматликдир.

Кечиримлилик фазилати боис ғайридинлар исломни қабул қилишгани тарих саҳифаларида муҳрланган. Жумладан, Расулulloҳ (с.а.в) Тоиф шахрига Сақиф қабиласини ислом динига даъват этиш мақсадида борганларида сақифликлар у зот

(с.а.в.)ни тошбўрон қилиб ҳайдашади. Жаброил (а.с) Муҳаммад (с.а.в.)нинг хузурларига келиб дейди: “Аллоҳ (с.т.) Сақиф қавмининг сизга етказган азияти эвазига ўч олиш учун менга нимани буюрсангиз шунга итоат этишимга амр этди”. Расулulloҳ (с.а.в) дуога қўл очдилар: “Эй Аллоҳ, Сақиф қавмини ҳидоят қил. Улар буни билмай қилдилар”. Жаброил (а.с.) деди: “Аллоҳ (с.т.) сизни марҳаматли ва меҳрибон деб рост айтган экан [4.119.]”.

Инсоннинг олижаноблиги, иззату шарафи унинг кечиримлигида намоён бўлиши билан бирга унинг мартаба ва даражаси зиёда бўлишига сабаб бўлади: Яхши гап ва кечириниш – кетидан озор келадиган садақадан яхшироқ. Аллоҳ беҳожат ва ҳалиймдир [5.48.]. Уббода ибн Сомит (р.а)дан ривоят қилинишича, Расулulloҳ (с.а.в) дедилар: “Сизларга Аллоҳ бандасининг даражасини нима туфайли баландга кўтарилишини айтайми? Сизга жаҳл қилганга мулойим бўлинг, зулм қилганни авф қилинг, ёмонлик қилганга яхшилик қилинг, сизни махрум қилганга инъом қилинг, сиздан алоқани узган билан ришталарни боғланг” [6.36.].

Кечиримлилик олий инсоний фазилат. Инсон бошқалар билан муомалада кечиримли бўлиши, мақбул йўлни тутиши, одамлар билан муносабатда олтин ўрталикни сақлаши, бошқалар қилган хатоларни кечириниши, авф этиши, бағрикенг бўлиши лозимки, ҳадисда ҳам “Сизлар кечиринглар, шунда сизлар ҳам кечириласизлар. Раҳм қилинглар, сизлар ҳам раҳм қилинасизлар. Кечиринглар, Аллоҳ ҳам сизларни кечиради” [7.73.] дейилган. Инсонни бахт-саодатга етаклайдиган фазилатлар камтарлик, **кечиримлилик**, **ростгўйлик**дир. Инсоннинг гўзал ахлоқи унинг фазилатлари кўзгуси бўлгани каби унинг иллатлари ахлоқидаги номукаммалликни кўрсатади. Ҳадисда “Кимнинг қалбида гинаси бўлса унинг дини йўқдир” [8.48.] дейилган.

Инсонни фақат хато қилгани учун ёмон кўриш мумкинми?

Умр давомида одамзод кўп янглишади. Хатога йўл қўйган ҳар бир инсонни ёмон кўраверилса, охир-оқибат ҳаммани, шу жумладан, инсон ўз-ўзини ҳам ёмон кўриб қолади. Кечириниш ҳар доим ҳам осон кечмайди. Кечирмаган бахтли бўла олмайди. Инсоннинг фитналардан омон бўлиши, олийжаноблиги, шарифлиги, фазилати, мартабасининг юксалиши, комиллик сари интилиши унинг кечиримлигида намоён бўлади. Ҳаётда айрим ўта қаттиққўл, мутакаббир кишилар бошқаларнинг айб-нуқсонлари, хато-камчиликларини қидиришни, бошқаларга танбеҳ беришни хуш кўрадилар. Хато қилиш, қусур-камчиликка йўл қўйиш, бефаросатлик, манманлик, жоҳиллик, нодонлик, кибр, кек, кин, ҳасад – маънавий иллат. Хато қилмайдиган одам йўқ. Ҳамма хато қилади. Инсон билиб-билмаган ҳолда хато қилади. Лекин масаланинг бошқа томони борки, оилада ҳам, хизматда ҳам, жамиятда ҳам бошқаларнинг айб-нуқсонларини кечириниш орқали мувозанат сақланади. Инсонлар бир-бирларининг нуқсон-камчиликларини кечиринишлари билан баҳс-мунозара ва муаммонинг оқилона ечими топилади.

Қуръонда “Албатта, ким (ўзига етган озор-азиятларга) сабр қилса ва (интиқом олмай Аллоҳ учун) кечириб юборса, шак-шубҳасиз бу (иш) ишларнинг мақсадга мувофиқдир” [9.605.] дейилганки, кечиримлилик замирида ботинда Ҳақ маърифатини кашф этиш, ҳидоятга интилиш, камолот сари юксалиш, ўзликни

англаш, гўзал ахлоқий фазилатлар билан хулқланиш, икки дунё саодатига эришиш, Аллоҳ раҳматидан насибадор бўлишдек маънавий баркамоллик мужассамдир.

Инсон бирор кимса билан зиддиятга бориб қолганида унга нисбатан жаҳл, нафрат, адоват, кек каби зарарли туйғуларни юрагидан ўтказадик, кечиримли бўлишнинг қалбга фойдаси беқиёсдир. Тана касал бўлгани каби қалб ҳам касалланади. Бу инсондаги ёмон хулқ, кечирмаслик, ишончсизлик, шубҳаланиш, кибрланиш, ҳасад, кин, адоват, кек сақлаш, бахиллик, мантанчоқлик, ёлғончилик, фирибгарлик, васваса, бидъатларга, дунё зеб-зийнатига берилиш, вақтни беҳудага сарф қилиш қабилар натижасидир.

Ҳадисда “Раҳм қилмаганга раҳм қилинмас” [10.19.] дейилган. Бу дунёдан норозилигини ифода этиш учун кишининг ўз яқинларини кечира олмаслиги кифоя қилади. Бошқаларни кечирмаслик учун қанча баҳона топиш, ўзининг ҳақлигини исботлаш мақсадида сабаблар келтириш билан муаммо ҳал бўлмайди. Аксинча, қалби адоватга тўла инсонда хайр йўқ. Кечирим ва унутишдан бебаҳра одамни дунё боғининг ташқарисида бўлишни маъқул кўрадиган кимсага ўхшатиладик, унинг кўнгли бўм-бўш, шод-хуррамлик ҳам, бахтиёрлик ҳам аламзада кўнглини тўлдиролмайди.

Кечиримлиликнинг инсон қалби учун фойдали жиҳатлари қуйидагича:

1. Кечиримлилик инсонга энгиллик бахш этади.

Кимдир афв этиш инсоннинг ўзи билан ўзи олиб борадиган курашидир. Инсон унга озор етказган кишининг сўзлари ёки хатти-ҳаракатлари қанчалик таъсир қилганини билади, бошқалар эса фақатгина далда бўлиши мумкин. Инсон унга озор етказган кишини “кечиришга лойиқ эмас” деб билса ҳам, кечирим зарурки, озорланган қалбдан чиқариб ташланган оғир юқдан халос бўлиш орқали сокинлик, энгиллик, хотиржамлик юзага келади: “Афв қилмоғингиз кўнглини кенг тутмоғингиз ва кечирмоғингиз яхшидур, албатта Аллоҳ кечирувчи ва раҳмдилдур” [11.735.].

Инсон унга озор берган ёки ноҳақлик қилган кишиларни кечиримли ўша кишилар учун эмас, ўзи учун ҳам ўта муҳимлигини англаши керак. Негаки қалбига озор берган инсонни кечирмаслик заҳарни ўз танасига шимиб, бошқа одамнинг ўлим топишини кутишга ўхшайди. Инсоннинг ўзидан бошқа ҳеч ким у кечирмаган адоват ва кек сақлаши туфайли ўзидан кўра кўпроқ зарар кўрмайди. Инсонга озор бергани учун узр сўраётган (ёки узр сўрамаётган, ҳаттоки узр сўрашни хаёлига келтирмаган – З.И.) киши қалби озорланган инсон каби изтироб чекмаслиги, ҳаттоки фаросатсизлиги ёки нодонлиги туфайли бу ҳолатни пайқамаслиги, билмаслиги ёки эътибор бермаслиги аниқ. Инсон қалбини жароҳатлайдиган зарарли ўй-фикрлар ва ҳис-туйғулардан халос этиш учун унга озор берган кишини кечирим билан эришади.

2. Кечиримлилик машаққатли ва олийжаноб йўл.

Ҳар бир инсон “мен”ида бир неча шахс мужассам. Агар инсон ички овозлар қуршовида қолса, ихтиёрини йўқотади ва хато-камчиликлар қуршовида қолади. Инсон онгини ўзгартирмагунча, ички овозлар уни азоблаб, вужудини кемираверади. Гина, кек, адоват сақлаш ёки қасд олиш осон, аммо бошқаларни кечирим қийин.

Қуръонда “... (Ҳар қандай) ёмонликнинг жазоси худди ўзига ўхшаган ёмонликдир (яъни ҳар бир ёмонликнинг ўзига яраша жазоси бордир). Энди ким (интиқом олишга қодир бўлгани ҳолда) афв қилиб (ўртани) тузатса, бас унинг ажри Аллоҳнинг зиммасидадир. Албатта, У зулм қилгувчиларни севмас” [12.605.] дейилган.

Кечиримлилик инсон феъл-атвори ва иродасининг кучли эканини кўрсатади ва унинг маънавий юксалишига ёрдам беради. Инсон бошқаларни кечириш орқали қалбини ғуборлардан тозалайди. Жазолашдан кўра кечириш мардлик бўлиб, авф этиш кучли ирода эгаларининг фазилатидир.

3. Кечиримлилик ички ёвузликлар билан курашда ёрдам беради.

Инсон гуноҳ қилса, қалбида битта қора доғ пайдо бўлади. Ўз вақтида тавба қилиб, истиғфор айтса, қалби доғдан тозаланади. Агар инсон тавба қилмай, гуноҳларини кўпайтираверса, ўша қора доғ катталашиб, қалбини бутунлай қоплаб олади: “Йўқ (ундай эмас)! Балки, уларнинг дилларини ўзларининг қилмишлари (гуноҳлари) қоплаб олгандир” [13.813.].

Ҳар бир инсоннинг кучли томони билан бирга ожиз жиҳати ҳам бўлади. Айрим кишилар андиша, уят, ҳаё, олийжаноблик, саховатпешалик, мулойимлик, хушфеъллик каби фазилатлардан мосуво, қалби жирканч ўй-фикр ва хулосалар билан тўлиб-тошганидан бошқаларнинг меҳрибончилиги, узрхоҳлиги, самимиятини қабул қила олмайди. Бундай кишиларнинг қалби ички ёвузликлар билан тўлгани учун ҳаётни шу алфозда қабул қилади, бошқаларга шу кайфиятда муносабатда бўлади. Фақат “мен ҳақман” деган тамойилни ҳаётининг мазмунига айлантириб олган кишилар ҳеч қачон кечиримлилик фазилати билан келиша олмайди. Инсон бу каби кишиларни қалбининг туб-тубидан афв этиши мушкул (шунчаки, “ҳечқиси йўқ” демасдан, ҳақиқатда ундай бўлмаса ҳам – З.И.). Кечиримли бўлиш инсоннинг ўз ожизлигини енгиланинги бирдан-бир тўғри йўлдир.

Айрим инсонлар бошқаларга нисбатан кўпроқ ўзини кечирмасликка мойил бўлишади. Бу эса инсоннинг ўзи билан ўзи олиб борадиган (ички овоз – З.И.) курашидир. Кўпинча инсон атайлаб ёки билмай содир этган хато-камчилиги учун ўзини азоблаб, саволлар исканжасида қолади, ўзини ўзи айблаб, оқлаш учун асос топа олмайди. Бўлар иш бўлди. Энди аввалги хатоларни такрорламаслик билан осуда яшаш мумкин. Инсон кечиримлилик орқали қалбида яшириниб ётган ички ёвузликдан халос бўлади, йўл қўйган хато-камчилигини кечира олиши орқали ички хотиржамликка эришади.

4. Кечиримлилик мағфиратга элтувчи йўлдир.

Инсоннинг бошқаларнинг хато-камчиликлари, етказган озори учун кечиришида ёрдам берадиган жиҳат шуки, қачондир инсоннинг ўзи ҳам кимгадир озор етказган вақтларини эслайди. Ўша инсон уни кечирганини чин дилдан ҳис этади. Бошқаларни кечириш орқали Яратувчининг ўзининг хато-камчиликларини кечиришига умидвор бўлади. Кимнидир авф этиш, унга етказган озорини унутишни истамайдиган киши қандай қилиб Аллоҳ мағфиратига эришиш, бошқаларни афв этишни истамас экан, қандай қилиб Аллоҳдан унинг хато ва гуноҳларини кечиришини кутиши мумкин?

Кечиримлилик ҳикмати нимада?

Инсоннинг чиройи – сўзининг гўзаллигида, камоли эса феълнинг тўғрилигидадир. Ҳадисда “Кечиримлилик инсоний фазилатларнинг энг зийнатлисидир” [14.27.] дейилган. Ўзгаларнинг нолайиқ хатти-ҳаракатлари, озор ва инжиқликларини сабр-тоқат билан кечириб мардликдир.

Кечиримлилик барча касалликларнинг шифосидир. Бошқаларнинг гуноҳини кечира олмайдиган ва ёмонликни унута олмайдиган одам бамисоли сарғайган барглари тўла тўкмайдиган дарахтга ўхшайди. Вақт ўтиб янги, яшил барглар орасидаги жонсиз, сарғайган япроқлар дарахтнинг тўкислигига хавф солгани каби инсоннинг қалбидаги авф этилмаган ва бот-бот эсланадиган сўзлар ҳар сафар юракка азобли оғриқ беради.

Кўпчилик ўзига ноҳақлик қилган кишини ўша заҳоти кечириб соғлом ақлга тўғри келмайди, деб ҳисоблашади. Оддий инсоннинг табиати бундай бўлмайди. Ҳеч бўлмаганда ҳодисанинг муайян сабаби, адоватнинг илдизи, озор берган кишининг кечирилишга лойиқ сифатлари таҳлил этилади. Ана шу жараёнда инсон ўзи билан ўзи ҳақиқатнинг кўзига тик боқадди, бошқаларнинг хато-камчиликларини кўриб баробарида ўзининг ҳам хатоларини кўради. Ўзига етган озорни кечириб лойиқ кўради. Бу олийжанобликдир: “Яхшилик билан ёмонлик баробар бўлмас. Сен яхшилик бўлган нарса ила даф қил. Кўрибсанки, сен билан орасида адовати бор кимса, худди содиқ дўстдек бўлур. Унга фақат сабр қилганларгина эришур. Унга фақат улуг насиба эгаси бўлганларгина эришур” [15.594.].

Кечиримлилик инсон қалбини гина-кудурат, хафагарчилик ва озордан сақлайдики, Қуръонда “Авф-марҳаматли бўлинг, яхшиликка буюринг ва жоҳиллардан юз ўтиринг” [16.186.] дейилган бўлса, ҳадисда “Тили ва қўли билан бошқаларга озор бермаган киши ҳақиқий мусулмондир” [17.59.] дейилган. Инсон беҳуда сўз айтишдан, одамларга озор беришдан, нолайиқ сўз айтишдан, шубҳа-гумонда бўлишдан, дилини оғритишдан сақланмаса, гуноҳ содир бўлади. Гуноҳ эса қалбни қулфлаб қўяди. Қулфланган қалб ёвузликка, жаҳолатга, ёмонликка ва разолатга мойил бўлади. Кибр ва манманлик, ўзидан бошқани одам санамаслик ёки ўз мансаби, молу-дунёсига ортиқча баҳо бериб юборишдек иллат исканжасида қолган инсон кечиримлилик ёки узр сўрашдек олийжаноб фазилатдан мосуво яшайдики, кераксиз баҳс-мунозаралар, кўнгилсизликлар, жанжалу низолар сурункали касалликларни келтириб чиқаради. Маънан, руҳан қашшоқлашган қалб, шубҳасиз, муолажага, руҳий тарбияга муҳтождирки, бирор кимсага нисбатан адоват ёки кек сақлаб юрган инсоннинг юрак қон-томир ва иммун тизими бузилиши, асаб толалари емирилиши, депрессия, саратон касаллигига олиб келади. Ўша кимсанинг қилган ёмонлигини ҳадеб ўйлайвериш ва хаёлан унга ёмонлик тилаш оқибатида руҳий тушқунлик рўй беради.

Кечиримлиликнинг ташқи “беихтиёрий” (инсон кечиради, аммо келажакда уни хафа қилган кишига муносабати салбий томонга ўзгаради – З.И.) ва ички “эмоционал” (инсондаги ички нафрат ва хавотир ўрнини ижобий туйғулар – хокисорлик, ачиниш ва ҳамдардлик эгаллайди – З.И.) кечириб ажратиш мумкин. Ташқи “беихтиёрий” кечириб кишилар ўртасидаги илиқликни тиклашда муҳим

саналса, ички “эмоционал” кечириниш инсоннинг жисмоний ва руҳий саломатлиги учун аҳамиятлидир.

Кечиримли бўлиш ўзлаштирса бўладиган оқилона муомала санъатидир.

Кечириниш мураккаб руҳий жараён, кечириниш орқали инсон ўзини енгиб сезади, уни ич-ичидан кемираётган салбий руҳий туйғулар (хафагарчилик, нафрат, кин, адоват – З.И.) барҳам топади. Шунинг учун кечиримли бўлиш инсон саломатлиги учун фойдалидир. Америкалик руҳоний Майкл Берри The Forgiveness Project (Кечиримлилиқ лойиҳаси) китобида ёзади: “Кишида кечиримлилиқ ва олийжаноблик ҳиссининг йўқ бўлиши инсон соғлиғида салбий ўзгаришга сабаб бўлувчи хасталиқдан нишондир. Кечиримлилиқ туйғуси йўқлиги оқибатида танада юзага келувчи асабий таранглик овқат хазм қилиш ва қон айланиш тизимининг бузилишига сабаб бўлади. Кечиримлилиқ ва бағрикенглик туйғусининг намоён бўлмаслиги оқибатида кишининг асаблари доимий босим остида ва таранг ҳолатда бўлади. Узлуксиз ва узоқ вақт зўриқиш асаб тизимини ҳолдан тойдиради ва натижада бош оғриғи, бўғимлардаги оғриқ, шунингдек, бош айланиши, доимий чарчоқ ҳиссини юзага келтиради. Бундан ташқари, доимий асаб таранглиги оқибатида инсон танасининг маълум қисмларида сурункали хасталиқлар пайдо бўла бошлайди, қайта тикланишга қодир ҳужайралар ҳам бундай ноқулай вазиятда ўз қобилиятини йўқота бошлайди ва қайта тикланмай қўяди ёки нотўғри шаклланишни бошлайди. Бу ҳолатдаги инсон танасининг фаолияти учун бошқа пайтдагига қараганда икки-уч барабар кўп қувват сарфлайди[18].

Кечиримли бўладиган воқеанинг гирдобига тушмасликка ҳаракат қилиш муҳим. Инсон кўнгилни кенг қилиб, ўз теграсида ижобий қувват зирҳини яратиш, атрофидаги одамлар билан самимият ва очиқ чеҳрада муомала қилиш, уларга табассум ҳадя этиш, мураса йўлини тутиш, айтилажак ҳар бир сўзни етти ўлчаб бир кесиш, ҳақорат ёки озорга сукут билан жавоб қайтариш, низоли жойни тарк этиш, салбий ҳиссиётли, уриш-жанжалга мойил одамлар суҳбатидан воз кечиш орқали руҳий мунаварликка эришиш мумкин. “Бошқаларни ўзгартираман” деган инсон аслида уларга зулм қилаётганини англамайди. Аксинча, ўз ҳаётини ўнглаб, “нодонлик” тахтидан тушиб, “тафаккур” тахтига кўтарилиб, унга етказилган озорларни кечириб яшашни бошлаган инсоннинг муаммолари, изтироб ва қийноқлари барҳам топадики, “... ҳеч бир жон тоқатидан ортиққа мажбур этилмайди” [19.155.]. Манманлик гирдобидан покланган қалб осудаликка эришади: “... Зеро, инсон ёмон кўрган нарсада Аллоҳ кўп яхшиликларни қилиб қўйган бўлиши мумкин” [20.80.].

Кечиримлилиқ инсонни ҳаётдан завқ олиб яшашга, ҳар лаҳзани қадрлашга, ҳар қандай ёмонликдан эзгулик излашга, гўзалликни севишга, ҳар бир ишда ҳикмат борлигини англашга, худбинликдан воз кечишга, муросасозликка, инсонпарварликка, бағрикенгликка ўргатади.

References:

1. Qur'oni Karim. Nur surasi, 22-oyat. O'zbekcha izohli tarjima. Tarjima va izohlar muallifi Alouddin Mansur. – T.: CHO'lpon, 1992. 421-bet.
2. Qur'oni Karim. Ol-i Imron surasi, 134-oyat. O'zbekcha izohli tarjima. Tarjima va izohlar muallifi Alouddin Mansur. – T.: CHO'lpon, 1992. 72-bet.
3. Axloq-odobga oid hadis namunalari. Tarjimonlar va arabcha matni nashrga tayyorlovchilar: Hamidulla Hikmatullaev, Abdulaziz Mansurov. Maxsus muharrir: Husniddin Nurmuhammad. – T.: Fan, 1990. 113-bet.
4. Axloq-odobga oid hadis namunalari. Tarjimonlar va arabcha matni nashrga tayyorlovchilar: Hamidulla Hikmatullaev, Abdulaziz Mansurov. Maxsus muharrir: Husniddin Nurmuhammad. – T.: Fan, 1990.119-bet.
5. Qur'oni Karim. Baqara surasi, 263-oyat. O'zbekcha izohli tarjima. Tarjima va izohlar muallifi Alouddin Mansur. – T.: CHO'lpon, 1992. 48-bet.
6. Axloq-odobga oid hadis namunalari. Tarjimonlar va arabcha matni nashrga tayyorlovchilar: Hamidulla Hikmatullaev, Abdulaziz Mansurov. Maxsus muharrir: Husniddin Nurmuhammad. – T.: Fan, 1990. 36-bet.
7. Axloq-odobga oid hadis namunalari. Tarjimonlar va arabcha matni nashrga tayyorlovchilar: Hamidulla Hikmatullaev, Abdulaziz Mansurov. Maxsus muharrir: Husniddin Nurmuhammad.–T.:Fan, 1990. 73-bet.
8. Axloq-odobga oid hadis namunalari. Tarjimonlar va arabcha matni nashrga tayyorlovchilar: Hamidulla Hikmatullaev, Abdulaziz Mansurov. Maxsus muharrir: Husniddin Nurmuhammad.–T.:Fan, 1990.48-bet.
9. Qur'oni Karim. SHuaro surasi, 43-oyat.O'zbekcha izohli tarjima. Tarjima va izohlar muallifi Alouddin Mansur.–T.:CHO'lpon, 1992. 605-bet.
10. Axloq-odobga oid hadis namunalari. Tarjimonlar va arabcha matni nashrga tayyorlovchilar: Hamidulla Hikmatullaev, Abdulaziz Mansurov. Maxsus muharrir: Husniddin Nurmuhammad.–T.:Fan, 1990.19-bet.
11. Qur'oni Karim. Tog'obun surasi, 14-oyat. O'zbekcha izohli tarjima. Tarjima va izohlar muallifi Alouddin Mansur.–T.:CHO'lpon, 1992. 735-bet.
12. Qur'oni Karim. SHuaro surasi, 40-oyat. O'zbekcha izohli tarjima. Tarjima va izohlar muallifi Alouddin Mansur.–T.:CHO'lpon, 1992. 605-bet.
13. Qur'oni Karim. Mutaffifun surasi, 14-oyat. O'zbekcha izohli tarjima. Tarjima va izohlar muallifi Alouddin Mansur.–T.:CHO'lpon, 1992. 813-bet.
14. Axloq-odobga oid hadis namunalari. Tarjimonlar va arabcha matni nashrga tayyorlovchilar: Hamidulla Hikmatullaev, Abdulaziz Mansurov. Maxsus muharrir: Husniddin Nurmuhammad.–T.: Fan, 1990. 27-bet.
15. Qur'oni Karim. Fussilat surasi, 34-35-oyatlar. O'zbekcha izohli tarjima. Tarjima va izohlar muallifi Alouddin Mansur.–T.:CHO'lpon, 1992. 594-bet.
16. Qur'oni Karim. A'rof surasi, 199-oyat. O'zbekcha izohli tarjima. Tarjima va izohlar muallifi Alouddin Mansur.–T.: CHO'lpon, 1992. 186-bet.
17. Axloq-odobga oid hadis namunalari. Tarjimonlar va arabcha matni nashrga tayyorlovchilar: Hamidulla Hikmatullaev, Abdulaziz Mansurov. Maxsus muharrir: Husniddin Nurmuhammad.–T.: Fan, 1990. 59-bet.

18. Maykl Barri – ilohiyot fanlari doktori, Amerika onkologik markazlariga diniy vakillik yordami direktori, imon va salomatlik haqidagi “Umid sabablari”, “Umid fasli”, “Qayg‘urish san‘ati”, “Kechirimlilik loyihasi” kitoblari muallifi.
19. Qur‘oni Karim. A‘rof surasi, 42-oyat. O‘zbekcha izohli tarjima. Tarjima va izohlar muallifi Alouddin Mansur.–T.: CHO‘lpon, 1992. 155-bet.
20. Qur‘oni Karim. Niso surasi, 19-oyat. O‘zbekcha izohli tarjima. Tarjima va izohlar muallifi Alouddin Mansur.–T.: CHO‘lpon, 1992. 80-bet.

МУНДАРИЖА**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ****01.00.00****ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИЕ НАУКИ****PHYSICAL AND MATHEMATICAL SCIENCES**

- 1 Асимптотическая минимаксность линейно-ядерных оценок функции распределения
Абдушукуров, А. А, Муминов А.Л..... 3
- 2 Trajectories of quadratic operators which map I_2 to itself
Juraev I.T..... 10
- 3 Maple tizimida parabolik turdagi xususiy hosilali differensial tenglama uchun aralash masalani to'rt usulida yechish
G.A.Nazarova, Z.O. Arziqulov..... 19
- 4 Краевая задача для уравнения четвертого порядка с сингулярным коэффициентом в прямоугольнике
Уринов А.К, Азизов М.С..... 26

КИМЁ ФАНЛАРИ**02.00.00****ХИМИЧЕСКИЕ НАУКИ****CHEMICAL SCIENCES**

- 5 Охытропис *Rosea* o'simligining Efir Moylari Tarkibi
Sulaymonov Sh, Abdullayev Sh, Qoraboyeva B..... 38
- 6 Уйғунлаштирилган ярим даврий усулда натрий карбоксиметилцеллюлоза олиш
Сайпиев Т.С, Абдуллаев А.М..... 42

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**03.00.00****БИОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ****BIOLOGICAL SCIENCES**

- 7 Фарғона водийсида тарқалган дўлана (*grataegus* L.) ўсимлигининг микромицетлари ва касалликлари
Абдуразақов А.А, Юсуфжон Ғ. Ш..... 50
- 8 Анатомическое строение ассимилирующих органов *eruca sativa* mill. (сем.brassicaceae) при интродукции в Сурхандарьинской области
Муқимов Б.Б..... 56
- 9 Энергетический потенциал гумуса сероземов
Юлдашев Г, Хайдаров. М..... 62
- 10 Регуляция влияние 6"-п-кумароилпрунина на энергетической функции митохондрий с ионами кальция
Мамажанов М 67
- 11 Ғўзанинг *El-Salvador* ёввойи шаклида морфобиологик ва қимматли хўжалик белгиларини назорат қилувчи номзод генларни аниқлаш
Комилов Д.Ж., Бахрутдинова Н.З., Орипова Б.Б. , Кушанов Ф.Н..... 72

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ**05.00.00****ТЕХНИЧЕСКИЕ НАУКИ****TECHNICAL SCIENCES**

- 12 Robotni harakatini amalga oshiruvchi arduino platformasi
Abdullayeva Sh.I..... 79
- 13 Ахборот хавфсизлигига бўладиган таҳдидлар ва уларнинг таҳлили
Ғаниева Ш.Н, Азимжонов У.А., И.А. Қосимов..... 84

ТАРИХ ФАНЛАРИ**07.00.00****ИСТОРИЧЕСКИЕ НАУКИ****HISTORICAL SCIENCES**

- 14 Давлат–тарихий-маданий анъаналар ташувчиси сифатида
Жўраев А.Т..... 89

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ**09.00.00****ФИЛОСОФИК ИЕ НАУКИ****PHILOSOPHICAL SCIENCES**

- 15 Maʼkurani tahlil etishning oʻziga xosligi
Mamatov O.V..... 95
- 16 Кечиримлилик: фалсафий-ирфоний таҳлил
Исақова З.Р..... 99
- 17 Инсон тақдирини англашдаги диний-фалсафий қарашлар ривожини
Мадримов Ж.Б..... 107
- 18 Сўфийлик таълимоти ривожини Азизиддин Насафий илмий меросининг ўрни
Маматов М.А..... 116
- 19 Жамиятимиз янги тараққиёт босқичини хотин-қизларнинг инновацион
(тадбиркорликка йўналтирилган) фаоллигини
Ғаниев Б.С..... 122
- 20 Huquqiy munosabatlarning ma'naviy jihatlari
Sultonov A.X 129
- 21 Таълим-тарбия – тараққиёт пойдевори: ижтимоий-фалсафий талқин
Амирхўжаев Ш.Қ..... 135

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**10.00.00****ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ****PHILOLOGICAL SCIENCES**

- 22 Ўзбек тилида антоним-синоним муносабатлар (“Ҳибатул ҳақойиқ” асари
лексикаси мисолида)
Сайидирахимова Н.С..... 142
- 23 Matn birliklari
Omonov A 147
- 24 Муаллиф ва таржимон ўртасидаги руҳий ўхшашликлар ва таржима сифати
Будикова М.Х..... 151

25	Ўзбек тилидан инглиз тилига бадий таржиманинг лингвомаданий таҳлили (Абдулла Қаҳҳорнинг “Анор” ҳикояси таржимаси мисолида) Досбаева Н.Т.....	157
26	Дейктик белгили сегмент қурилмалар прагматикаси Умурзоқова М.Э.....	163
27	“Минг бир қиёфа” романида замонавий аёл муаммоси Азизов Н.Н.....	168
28	Николас Роу ижодида “Амир Темур” тасвири Бобаханов М.Я, Турсунов А.Х.....	172
29	Ҳозирги ўзбек шеъриятида исёнкор руҳ ғоялари Тажибаева Д.....	177
30	Янги тушунчаларни ифодалаш усуллари Лазиза С.Х.....	182
31	Туркий халқлар адабиётида навоий анъаналари Рузибоев Т.....	186
32	Лисоний шахс типларини ажратиш принциплари Ниязова Д.Х.....	193
33	Источниковедческий анализ тазкире “Канз аль-куттаб” Ас-Саалиби Сулаймонова Х.М.....	196
34	Chet til ta`limda madaniyatlararo tafovut masalalari Abduqodirov U.N.....	201
35	Психо-аналитик тасвирнинг миллий колорит яратишдаги аҳамияти Мардонова Л.У.....	207
36	Метонимия асосидаги иборалар Қўчқарова О.А.....	211
37	Национально-культурная специфика английских и русских слов Джуманазарова З.....	215
38	Сухайлий шеъриятининг жанр хусиятлари Болтабоева О.Ю.....	219
39	Ижтимоий тармоқ контентни тижоратлаштириш воситаси сифатида Бекназаров К.Т.....	223

13.00.00

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ
ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
PEDAGOGICAL SCIENCES

40	Boshlang'ich sinf o'quvchilarida sog'lom turmush tarzini shakllantirishda sayyohlik va turizmni ahamiyti Boltaboyev N.N.....	231
41	Jismoniy tarbiya tizimida sog'lom turmush tarzini shakllantirish usullari Azizov N.N, Azizov M.M.....	236
42	Sports lesson - time requirement Mikheeva A.....	240

43	Талабаларнинг ижодий фаолиятларини шакллантириш омиллари Умаров Қ.Б, Усманова Н.Қ.....	245
44	Qizlar jamoalari bilan ishlaydigan murabbiylar faoliyatining o'ziga xos xususiyatlari Azizova R.I.....	249
45	Метод shadowing в обучении языкам Жалолов Ш.....	252
46	Yosh avlodni barkamol qilib tarbiyalashda harakatli o'yinlarning ahamiyati Ismoilov T, Ismoilov G'.....	257
47	How to develop listening skills for students Nazarova Y.X.....	262
48	Мактабгача таълимда ахборот технологиясидан фойдаланишнинг назарий таҳлили Ботирова З.А.....	266
49	Ўқув жараёнида “бумеранг” методидан фойдаланишда вужудга келадиган муаммолар ва уларни олдини олиш йўллари Отамирзаев О.У, Зокирова Д.Н.....	270
50	Формирование лексических навыков в английском языке в средних школах Ботирова З.Х.....	274
51	Mavhum (abstrakt) san'atning miya faoliyati va tarbiya bilan o'zaro bog'liqligi Isafov A.A.....	279
52	Физика ўқитувчисининг таълимга Инновацион ёндашуви Бекназарова З.Ф.....	282
53	Бўлажак ўқитувчиларнинг мустақил фикрлаш маданиятини ривожлантириш моделини такомиллаштириш Қамбаров М.М.....	286
54	Характерида истерик белгилар бўлган болалар тоифалари ва уларни ўқитиш Хусанов А.А.....	293
55	Boshlang'ich ta'limda innovatsiyaning ro'li Махмудова Н.А.....	298
56	Malakali gandbolchilarning musobaqa faoliyatini o'rganish Azizov S.V.....	302
57	Таълимда ижодий ўйинлар Тажибоева Г.М.....	306
58	Мактабгача таълимда ривожланиш марказларини ташкил этиш муаммоларига доир Ўринова Ф.Ў.....	311
59	Тадбиркорлик фаолиятида умумахлоқий меъёрларнинг ўрни Эргашева Ф.И.....	316
60	Особенности преподавания математики гуманитариям Устаджалилова Х, А.....	321
61	Талабаларнинг ҳуқуқий компетентлигини ривожлантириш технологиялари Тилеуов Э.М.....	326

62	О'quvchi-yoshlarni faollik asosida ijtimoiy hayotga tayyorlash masalalari Abdullayeva N, Rahmonova Z.....	332
63	Оилада болаларнинг ижтимоий- ахлоқий сифатларини шакллантириш омиллари Ортиқова З.Н.....	335
64	Эффективность модели управления развитием международного сотрудничества высшего образовательного учреждения Юнусов Ш.Т.....	338
65	Alternative assessment as a means to develop study skills in esp classes in higher educational settings Kuchkarova Yana.....	343
66	Интеллектуальные компьютерные игры – как способ улучшения учебы детей Нажмиддинова Х.Ё.....	348
67	Кимё тарихи маълумотларидан фойдаланиш талабалар билим олишининг сифат ва самарадорлик омили Нишонов М, Холмирзаева З.....	351
68	Малака ошириш жараёнида информатика ўқитувчиларини ижодий тафаккурини ривожлантириш механизми Ахмедова Ш.....	356
69	Кластер ёндашуви асосида минтақавий таълим тизимини бошқариш Тоштемирова С.А.....	361
70	Олий таълим муассасаларида математикадан замонавий ўқув машғулотларини ташқил этиш – таълим жараёнидаги инновацион технологиялардан бири Зулфихаров И.М., Ўринов Б.О.....	367
71	Бўлажак тарбиячиларда ижодкорлик сифатларини ривожлантириш Қодирова З.....	371





